

2023
6-son

TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYA

ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-uslubiy jurnal



ISSN 2181-8274



Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-uslubiy jurnal.
1996-yilda tashkil etilgan.

Tahrir hay'ati raisi:

Sh.U.Yakubov

Oliy ta'limni rivojlantirish tadqiqotlari
markazi direktori

Tahrir hay'ati raisi o'rinbosari:

M.X.Esanov

Bosh muharrir:

T.Axmedov

Bosh muharrir o'rinbosari:

A.A.Sabriyev

Tahrir hay'ati a'zolari:

L.R.Zaripov

A.A.Dadasheva

Sh.A.Rasulov

M.M.Inagamova

S.Q.Maxsumova

S.S.Samandarova

M.Q.Sultonov

S.S.G'oziyev

O.N.Toshpulatov

Jamoatchilik kengashi a'zolari:

Q.X.Abduraxmanov

Sh.T.Qudratxo'ja

G.Sh.Rixsiyeva

Sh.S.Sirojiddinov

R.I.Xolmurodov

A.I.Toshpulatov

N.M.Jabborov

M.A.Raxmatullaev

T.Z.Teshabayev

Dizayner:

S.L.Musamedov

TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYA

Музаффар Эсанов.

Олий малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш 6

Рустам Рашидов.

Сиёсий жараёнларни тадқиқ этиш ва ўрганишга доир концептуал қарашлар
хамда ёндашувлар 9

Hakim Rasulov.

Siyosiy-huquqiy ong va madaniyat — siyosiy modernizatsiyaning omili sifatida. 13

Новвалъ Рузметова.

Повышение эффективности образовательного процесса в юридических
техникумах (на примере учебных игр) 17

Sherzod Islomov.

Tizimli tahlil orqali talabalarining tashkiliy-boshqaruv kompetentligini
rivojlantirish 21

Ximmat Eshbayev.

Barkamol avlod tarbiyasida etnosportning o'rni va ahamiyati 25

Feruza Abdullaeva.

Developing the professional communicative skills of tourism students..... 27

Ma'sumaxon Abdullayeva.

XXI asr yangi psixologiyasining pedagogika bilan bog'liqlik masalalari 30

Abrorjon Maxmudov.

Axborot-ta'lim muhitida bakalavriat talabalarining raqamli madaniyatini
shakllantirish 33

Adash Rustamova.

An analysis of students' reading comprehension based on pedagogical diagnostics..... 36

Dilnoza Kulboyeva.

Boshlangich sinf o'quvchilarining kreativlik qobiliyatini rivojlantirish (texnologiya
fani misolida) 39

Shahobiddin Duvlanov.

"O'zbek jang san'ati" kelib chiqishi va yaratilish tarixi 42

Khalifa Paluanova.

Modern type of language teaching is pragmalinguodidactic 46

Javlonbek Madaminov.

Muhandislik kompyuter grafikasi fanini o'qitishning zarurati 49

Shavkat Karshiboyev.

Fizikadan laboratoriya mashg'ulotlarida innovatsion texnologiyalardan foydalanish
metodikasi 53

Jasur Mamanov, Sherali Boboxonov.

Axborot texnologiyalari vositasida maktab o'quvchilarining informatika faniga
tayanch kompetensiyalarni rivojlantirish 57

Adash Rustamova.

Analyzing Students' Listening Skills Based on Pedagogical Diagnostics..... 61

Diloram Shodmonqulova.

Fonetika asoslarini o'rganish xususiyatlari 64

Jasurbek O'ralov.

Malakali futbolchi ayollarni tayyorlashda zamonaviy texnologiyalardan
foydalanish yo'llari 67

Shaxlo Ulasheva

Iqtisodiyot fanlari bakalavrlari uchun matematika fanidan
ekonometrika metodikasi 70

Sanjaridin Zoirov.

Oliy ta'limda laboratoriya ishlarini "Labview" dasturida
virtual yaratish metodikasi 73

Jur'at Saidov.

Maktabgacha yoshdagi bolalarni ma'naviy va axloqiy tarbiyalash 77

Зиёдулло Исоков.

Олий ўқув юртларида ноанъанавий таълимни ривожлантиришнинг долзарб
масалалари 80

Muassislar:

*O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi,
Oliy ta'limni rivojlantirish tadqiqotlari markazi*

Manzil: 100095, Toshkent sh.
2-Chimboy ko'chasi, 96-uy.
Telefon: (71) 207-03-41
e-mail: rmxat@edu.uz

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligidan 2014-yil 26-dekabrda 0506 raqami bilan ro'yxatdan o'tgan.

Jurnal har ikki oyda o'zbek, rus va ingliz tillarida elektron shaklda chop etiladi.

“Ta'lim, fan va innovatsiya”
jurnali O'zbekiston Respublikasi
Oliy attestatsiya komissiyasi
Rayosatining 2015-yil 18-noyabrda
218/5-sonli qarori bilan 13.00.00 —
PEDAGOGIKA FANLARI bo'yicha,
2018-yil 28-noyabrda 247/6-sonli
qarori bilan 23.00.00 — SIYOSIY
FANLAR bo'yicha doktorlik
dissertatsiyalari asosiy ilmiy
natijalarini chop etish tavsiya etilgan
ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

“Ta'lim, fan va innovatsiya”
jurnalidan ko'chirib bosish faqat
tahririyatning roziligi bilan amalga
oshiriladi. Maqolada keltirilgan
faktlarning to'g'riligi uchun muallif
mas'uldir. Tahririyat fikri mualliflar
fikriga mos kelmasligi mumkin.

Jurnalning to'liq matnini esijournal.uz rasmiy saytidan yuklab olishingiz mumkin.

*Maqola va murojaatlaringizni
[@esijournalbot](https://t.me/esijournalbot) telegram botiga yuboring.*

Durdonakhan Tukhtasinova.

How To Teach The English Language To Mixed Level Students.....	83
Бобур Қодиров.	
Талабаларнинг маълумотлар базасини яратиш компетентлигини такомиллаштиришда дастурлаш технологияларидан фойдаланиш.....	85
Shoira Rahimova.	
Unsurul-maoliy kaykovusning “Qobusnoma” asarida farzand tarbiyasiga oid fikrlarning ifodalanishi.....	88
Мусурмон Хуррамов.	
Олий таълим муассасалари фаолиятига сунъий интеллект технологиясини жорий этиш истиқболлари.....	91
Сарвиноз Салимова.	
Бўлажак ўқитувчиларнинг замонавий модели ва квалиметрик диагностикаси.....	94
Jur'at Saidov.	
Мақтабгача yoshdagi bolalarni tarbiyalashda milliy qadriyatlar va o'yinchoqlarning pedagogik ahamiyati.....	98
Noiba Sobirova.	
Shaxsda mantiqiy fikrlashni o'stirishning o'ziga xos xususiyatlari.....	101
Raxat Shilmanov.	
Milliy harakatli o'yinlarning mazmun-mohiyati.....	104
Oybek Abdimurotov.	
Kredit-modul tizimi sharoitida bo'lajak geografiya o'qituvchilariga mustaqil ta'limni tashkil etish dolzarb pedagogik muammo sifatida.....	106
Muxayyo Alikulova.	
Jahon tajribasida yoshlarni oilaviy hayotga tayyorlashga doir ijtimoiy-pedagogik yondashuvlar tahlili.....	110
Dilmurod Abdusamiyev.	
O'qituvchilar kasbiy salohiyatini oshirishda talis baholash dasturining pedagogik imkoniyatlari.....	113
Sojida Ashirova.	
Bo'lajak maqtabgacha ta'lim tashkiloti tarbiyachilarining kasbiy tayyorgarligini oshirishda pedagogik amaliyotlarning o'rni.....	116
Shapulat Atabayev, Dildora Raximjonova	
Boshlang'ich sinf o'quvchilarining kreativlik qobiliyatini rivojlantirish.....	119
Muqaddas Egamberdiyeva.	
Multimedia vositalari asosida tayyorlov guruhi bolalarini ijodiy hikoya tuzishga o'rgatish metodikasini takomillashtirishning pedagogik shart-sharoitlari.....	122
Dauletmurat Bekmuratov, Ismaxmud Baymuratov.	
Jismoniy sifatlarining umumiy tavsifi va ularni rivojlantirish.....	125
Charos Axmadova.	
Sinfdan tashqari olib boriladigan jismoniy tarbiya ishlariga tasnif.....	128
Faxriddin Qosimov.	
Malaka oshirish jarayonida jismoniy madaniyat o'qituvchilarida kasbiy kompetentlikni takomillashtirish modeli.....	131
Sevara Yuldasheva.	
The effectiveness of 5 e's of ibl in teaching english language.....	134
Zayniddin Arziqulov.	
Физика фани ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш.....	138
Dilfuza Qurbonboyeva.	
Talabalarning madaniyatlararo muloqot kompetensiyalarini shakllantirishga yo'naltirilgan mashqlar tizimi.....	141
Kamol Davurov.	
Замонавий информатика ўқитувчиларининг касбий тармоқ жамоаларини яратиш самарадорлиги.....	144
Dilrabo Qoirova.	
Yangi islohotlar — yangi darsliklar.....	147
Umid Yakubov.	
Talabalarda menejerlik kompetensiyasini takomillashtirishda boshqarish usullarining mazmuni.....	150
Sevinchoy Ro'zimboyeva.	
Мақтабгача ta'lim tashkilotlarida rivojlantiruvchi markazlarda pedagogik faoliyatni tashkil etish mazmuni.....	153

– Олий таълим муассасаларининг сунъий интеллект технологиясини яхши тушунадиган ходимлари томонидан профессор-ўқитувчилар учун дарс машғулоти давомида Chat GPT платформаси имкониятларидан кенг фойдаланиш масалалари юзасидан тушунтириш ва тарғибот ишларини ташкил этиш;

– Сунъий интеллект технологиясини олий таълим тизимида қўллаш бўйича билим ва тажрибага эга экспертларни жалб этган ҳолда олий таълим муассасаларининг илмий тадқиқотчилари томонидан сунъий интеллект технологиясини илмий ишларни ёзишда қўллаш бўйича семинар-тренинглари ташкил этиш.

– Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан эълон қилинадиган амалий ва инновацион лойиҳалар танловининг “Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш фанлари” йўналишига тақдим этилаётган сунъий интеллектга асосланган платформаларни олий таълим муассасалари фаолиятига жорий этиш мазмунидаги лойиҳаларни кўпроқ молиялаштириш;

– Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари маркази томонидан “Олий таълим муассасалари фаолиятига сунъий интеллект технологиясини жорий этиш” номли методик қўлланма тайёрлаш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Artificial Intelligence in Education: Promises and Implications for Teaching and Learning” edited by Rose Luckin, Wayne Holmes, Tiffany Barnes, and Xiangen Hu (2019), p.184.
2. “Artificial Intelligence in Education: 22nd International Conference, AIED 2021, Utrecht, The Netherlands, June 15–19, 2021, Proceedings” edited by Ken Holstein, Bodong Chen, Arvid Kappas, Sadhana Puntambekar, and Yanyan Li (2021), p.52-56.
3. “Intelligent Tutoring Systems: 15th International Conference, ITS 2021, Athens, Greece, June 22–27, 2021, Proceedings” edited by Ioannis M. Hatzilygeroudis, Sergey A. Karpov, George Pavlidis, and Antonija Mitrovic (2021), p.112-116.
4. “The Future of AI in Education: Ethical, Legal, and Social Issues” edited by Danilo Persi Paoli and Benedict du Boulay (2022), p.235.
5. “Artificial Intelligence and the End of Work: The Human Advantage” by Nigel M. de S. Cameron (2022), p.218.
6. “Artificial Intelligence in Education: 20th International Conference, AIED 2019, Chicago, IL, USA, June 25–29, 2019, Proceedings” edited by M. Felisa Verdejo, Stephanie D. Teasley, and Yanyan Li (2019), p.95-99.
7. “Artificial Intelligence in Education: 21st International Conference, AIED 2020, Ifrane, Morocco, July 6–10, 2020, Proceedings” edited by Dragan Gašević, Mathieu d’Aquin, Marek Hatala, and Olga C. Santos (2020), p.189-196.
8. “AI in Education: Promise and Implications for Teaching and Learning” edited by Tao Zhang and Stephen J.H. Yang (2019), p.194.
9. “Artificial Intelligence in Education: Cases from the Real World” edited by Wenhao David Huang, Blake Mason, Tiffany Barnes, and Min Chi (2022), p.124.
10. “Artificial Intelligence for Learning: How to use AI to Support Employee Development” by Michael Griffiths (2019), p.262.



Бўлажак ўқитувчиларнинг замонавий модели ва квалиметрик диагностикаси

Сарвиноз Салимова,

Бухоро давлат педагогика институти
“Табиий фанлар” кафедраси доценти

Аннотация

Мақолада бўлажак ўқитувчининг шахси табиий уникал система эканлиги, унинг шахсий ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ҳозирги замон бўлажак ўқитувчисининг модели лойиҳалаштирилган. Бўлажак ўқитувчининг моделини умумий ва ягона ҳолда тузишда ҳар шахснинг ўз хусусиятларини ривожлантиришини, ўзига хослигини сақлаб қолишини, ўз қизиқишларига мувофиқ ҳолда илгарига интилишини инobatга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Мақолада бугунги кун талабини ҳисобга олган ҳолда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари бўлажак ўқитувчининг педагогик фаолиятидаги ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда замонавий модели ва унга мос ҳолда профессиограммасини хусусий методик даражаси аниқланган.

Калит сўзлар: индивидуал хусусиятлари, узлуксиз таълим тизими, мутахассис модели, профессиограмма, илмий-назарий, психолого — педагогик, методик тайёрликлар.

Аннотация

В статье прорабатывается модель будущего учителя современности с учетом его личностных и индивидуальных особенностей, утверждается, что личность будущего учителя — это природная уникальная система. При построении модели будущего педагога в общем и едином случае она разрабатывается с учетом того, что каждый человек развивает свои особенности, сохраняет свою индивидуальность, стремится вперед в соответствии со своими интересами. В статье определены современные модели требований “Национальной программы подготовки кадров” с учетом специфики педагогической деятельности будущего педагога и, соответственно, частного методического уровня его профессиограммы.

Ключевые слова: индивидуальные особенности, система непрерывного образования, модель специалиста, профессиограмма, научно-теоретическая, психолого — педагогическая, методическая подготовка.

Annotation

The article studies the model of the future teacher of modernity, taking into account his personal and individual characteristics, it is argued that the personality of the future teacher is a natural unique system. When building a model of a future teacher in a general and uniform case, it is developed taking into account the fact that each person develops his own characteristics, retains his individuality, strives forward in accordance with his interests. The article defines modern models of the requirements of the „national training program“, taking into account the specifics of the pedagogical activity of the future teacher and, accordingly, the private methodological level of his professionogram.

Keywords: individual characteristics, continuing education system, specialist model, professionogram, scientific and theoretical, psychological and pedagogical, methodological training.

Узлуксиз таълим тизимида педагогик фаолият юритаётган ўқитувчи, шу жумладан, таълим муассасида ишламоқчи бўлаётган бўлажак ўқитувчининг шахси табиий уникал система бўлиб, унинг шахсий ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ҳозирги замон бўлажак ўқитувчисининг моделини лойиҳалаштириш мушкул.

Шунга қарамасдан, бўлажак ўқитувчининг моделини умумий ва ягона ҳолда тузиш, шу билан бир қаторда, ҳар шахсининг ўз хусусиятларини ривожлантириши, ўзига ҳослигини сақлаб қолиши, ўз қизиқишларига мувофиқ ҳолда илгарига интилишига имкон бериш зарур.

Мутахассис модели — аниқ бир касб бўйича мутахассиснинг умумлашган образли тузилмаси бўлиб, у муайян таркибий қисмлардан иборат бўлади [1, 34].

Узлуксиз таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, мазмунан янгилашнинг илмий-назарий асоси бўлган Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури буюртмалари, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунчалари ва тамойиллари ўқитувчиларнинг умумий, касбий, илмий-назарий, педагогик- психологик, илмий-методик тайёргарлик даражасини замон талабларига мос бўлишини тақозо этади.

Шуни эътиборга олган ҳолда узлуксиз таълим тизими учун бўлажак ўқитувчининг моделини тузишга ҳаракат қилинди.

Ушбу моделни тузиш учун Республикамизда мавжуд меъёрий ҳужжатлардаги ўқитувчиларнинг умумлашган модели таҳлил қилинди. Жумладан, муаллифлар гуруҳи томонидан тайёрланган “Ўзбекистон Республикасида кадрлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар ва 1999-2005 йилларга мўлжалланган истиқболли режалар” тўпламида педагогнинг умум-

лашган модели берилган.

Модел асосини педагогга қўйиладиган талаблар ташкил этиб, у ўзида шахс фазилатлари, ўқита олиш, тарбиялай олиш ва таълим олувчилар билимларини адолатли баҳолай олиш ва назорат қила олиш каби таркибий қисмларни мужассамлаштирган [2, 103].

Педагог шахсининг фазилатларига талабчанлик, виждонлилик, ҳазил- мутойиба ҳисси, обрў, хайрихоҳлик, адолатлилик киритилган. Буларнинг ичида обрў шахс фазилати эмас, балки шахсининг фазилатлари туфайли эришиладиган мавқеи саналади.

Бизнинг назаримизда, ўқитувчининг педагогик фаолиятига ёрдам берадиган фазилатларига илмга чанқоклик, киришимлилик, камтаринлик, меҳнатсеварлик, интизомлилик, фидойилик, меҳрибонлик, бағрикенглик, одамохунлик, хушмуомалалилик ва ҳ.к. киритиш мақсадга мувофиқ эди.

Юқорида қайд этилган моделнинг тарбиялай олиш қисмига юксак маънавиятли, педагогик маданият ва маърифатли, шахсий одоб намунаси, нуфузи, ватанпарварлик ва бурч ҳислари, гуманитар ва гуманистик тайёргарлик, ўқув-тарбиявий ишларнинг ташкили киритилган. Мазкур талабларни шакллантиришда узлуксиз таълим тизими олдидаги давлат ва ижтимоий буюртмалар ҳисобга олиниши ва аниқ белгиланиши керак эди.

Моделнинг ўқита олиш таркибий қисмига қўллаб-қувватлаш ва ўқув жараёни муҳити, психологик-педагогик тайёргарлик, чет тилларни билиши, фанни чуқур билиш, касбий лаёқатлилик, билимдонлик, янги педагогик технологияларга эга бўлиш, илмий-услубий иш, илмий-тадқиқот иши, ўз ишини доимий такомиллаштиришга интилиш, меъёрий ҳужжатларни билиш, компьютер технологиясига эга бўлиш, ахборот база ва ресурслар киритилган [3]. Бизнинг назаримизда, бу гуруҳдаги талаблар ўқитувчининг

илмий-назарий, илмий-методик тайёргарлигига қўйиладиган талаблардан келиб чиқиши лозим эди.

Ўқитувчининг умумлаштирилган моделида педагогнинг ўқита олиш ва тарбиялай олиш функцияларининг ажратилиши илмий асосланмаган, чунки бу икки функция ягона таълим-тарбия жараёнида амалга оширилади, шунингдек, ўқитишнинг таълим-тарбиянинг узвийлиги принципига зид ҳолатдир. Шу билан бир қаторда мазкур модел таҳрир талаб, ундаги талабларни аниқлаштириш лозим.

Моделнинг таълим олувчилар билимларини адолатли баҳолай олиш ва назорат қила олиш таркибий қисмига талабаларнинг билимларини рейтинг-назоратини билиш ва қўллаш олиш, стандартланган тестларни ишлаб чиқиш ва қўллаш олиш киритилган.

Шуни қайд этиш керакки, таҳсил олувчиларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш, ўқув-тарбия жараёнидан олинган натижаларни таҳлил қилиш ва мазкур жараённинг боришига тегишли ўзгартиришлар киритиш таълим-тарбия жараёнининг ажралмас ва энг муҳим зарурий қисми саналади [4]. Маълумки, педагогнинг ушбу тайёргарлигини унинг илмий-методик тайёргарлигидан ажратиш мумкин эмас.

Республикамизда биринчи марта тайёрланган педагогларнинг умумлаштирилган моделининг таҳлили, унинг бугунги кун талабига жавоб бермаслиги, унда узлуксиз таълим тизими олдига қўйилган талаблар ўз аксини топмаганлиги, таҳрир талаблиги, баъзи қисмларни аниқлаштириш, шунингдек, ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятидаги асосий масалаларни киритиш ва илмий-педагогик нуқтаи назардан қайта

ишлаш лозимлигини кўрсатди.

Бугунги кун талабини ҳисобга олган ҳолда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари асосида ҳар бир фан ўқитувчиси, шу жумладан, бўлажак ўқитувчининг педагогик фаолиятидаги ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда замонавий модели ва унга мос ҳолда профессиограммасини хусусий методик даражада тузиш зарур [5].


Педагогнинг модели 1-расмда берилмоқда.

Мазкур моделнинг асосини педагог ташкил қилиб, у шахс сифатида:

- юксак маънавиятли ва маданиятли;
 - узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш учун истикбол вазибаларни илгари суриш ва ҳал этишга кодир;
 - ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола оладиган;
 - ўзида миллий истиклол мафқураси ва ғояларини сингдирган;
 - жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган;
- Юқори малакали рақобатбардош педагог кадр сифатида:
- ижодий ва ижтимоий фаол;
 - ғоявий ва маънавий-ахлоқий етук бўлиши;
 - юқори даражадаги илмий-назарий, педагогик-психологик, илмий- методик тайёргарлик орқали юксак касб-ҳунар маданиятига эга бўлиши назарда тутилди.

Ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги таҳлил қилинганда, унинг илмий-назарий, психолого — педагогик, методик тайёргарлиги назарда тутилди.

1-расм



Бўлажак ўқитувчининг модели

Педагог кадрларнинг моделини тузишда қуйидагилар концептуал асос сифатида қабул қилинди:

1. Педагог юқори даражадаги илмий-назарий, психолого-педагогик ва илмий-методик тайёргарлик орқали юксак касб — хунар маданиятига эга бўлади;

2. Педагогни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида уларнинг касбий тайёргарлигини орттиришда илмий-назарий, психолого-педагогик таркибий қисмлар билан узвий равишда илмий-методик тайёргарликни амалга ошириш зарур;

3. Ўқитувчининг педагогика олий таълим муассасаларида ўзлаштирган барча билим, кўникма ва малакалари педагогик фаолиятда хусусий методик даражада, яъни муайян фанни ўқитиш жараёнида қўлланилади. Шу боис ўқитувчининг касбий тайёргарлигининг таркибий қисмлари ичида илмий-методик тайёргарлик асосий ўринни эгаллайди.

4. Педагогнинг илмий-методик тайёргарлигининг таркибий қисмлари сифатида методологик, гносеологик, коммуникатив, лойиҳалаш ва ташкилий фаолиятга оид билим, кўникма ва малакалар белгиланди.

5. Юксак касб-хунар маданиятига эга бўлган мутахассис ўзида ижтимоий ва ижодий фаоллик, ғоявий-сиёсий, маънавий-ахлоқий етукликни мужассамлаштирса, юқори малакали рақобатбардош педагогик кадр саналади [6].

6. Педагог кадрларнинг ижтимоий ва ижодий фаоллиги, ғоявий-сиёсий, маънавий-ахлоқий етуклиги ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги ва уларнинг таркибий қисмларига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Маълумки, ғоявий-сиёсий етуклик илмий-методик тайёргарликнинг таркибий қисми бўлган методологик билим, кўникма ва малакаларга асос бўлиб хизмат қилади. Ижтимоий ва ижодий фаоллик ўқитувчининг ўз касбий тайёргарлигини мунтазам орттиришига, аксинча юксак касб-хунар маданиятига эга бўлган ўқитувчининг педагогик фаолиятга ижодий ёндашувига ва ижтимоий фаоллигига ўз таъсирини кўрсатади.

7. Юқори малакали рақобатбардош педагог кадр бўлган ўқитувчи, ўз навбатида, юксак маънавият ва маданият соҳиби, миллий истиқлол мафқураси ва ғояларини сингдирган шахс сифатида, таълим-тарбия жараёнидаги истиқбол вазифаларни илгари суриш ва ҳал этиш орқали, жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшади, ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билади.

8. Педагогни тайёрлашда касбий тайёргарликнинг таркибий қисмлари, юқори малакали рақобатбардош педагог кадр ва шахс сифатидаги хусусиятларини яхлит ҳолда тасаввур қилиб, уларнинг ўртасидаги узвийликни амалга ошириш зарур.

Мазкур моделнинг таркибий қисмлари ва уларнинг шаклланишини таъминловчи билим, кўникма ва малакаларнинг мажмуаси профессио-граммада ўз аксини

топади.

Профессиограмма — бу мутахассиснинг шахсий сифатлари ва касбий фаолият турларига кирадиган касбий талаблар ва меъёрларнинг илмий асосланган ҳолдаги тавсифи.

Профессиограмма ўзида моделнинг таркибий қисмлари ва уларни шакллантиришга асос бўладиган билим, кўникма ва малакаларни ўзида мужассамлаштиради. Шу сабабли профессиограмма муайян педагогик фаолиятни амалга ошириш учун ўқитувчидан — амалий ва назарий фикр юритишни, ушбу жараёни амалга ошириш учун муайян билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришни талаб этади [7, 68].

Назарий фикр юритиш таълим-тарбия жараёнидаги умумий қонуниятлар, яъни педагогик вазифаларни ҳал этишнинг принциплари ва усулларини ишлаб чиқиш, педагогик жараёнларни кузатиш, кузатиш натижаларини умумлаштириш, хулоса яшаш, ўз фаолияти билан таққослаш ва ўзи учун зарур қоидаларнинг келиб чиқишига замин тайёрлайди.

Амалий фикр юритиш асосан биологияни ўқитишнинг хусусий вазифаларини ҳал этишга қаратилган. Ушбу фикр юритиш муайян вазиятларни таҳлил қилиш, таққослаш, умумлаштириш, хулоса чиқариш ва муаммоли вазиятлардан чиқиб кетиш каби кўникмаларни ўз ичига олади.

Ўқитувчининг педагогик фаолияти ва маҳорати даражасини, амалий педагогик вазифаларни ҳал этиш жараёнининг илмий-назарий жиҳатдан тўғри асосланганлиги билан белгилаш зарур.

Ўқитувчи ўз педагогик фаолиятини таҳлил қилиб, илмий-назарий асослаб, ўзига маълум педагогик принципларни ва уни амалга ошириш қоидаларини ишлаб чиқади.

Педагогнинг ўз фаолиятини таҳлил қилиш, умумлаштириш ва педагогик таъсир кўрсатишнинг мантиқий кетма-кетлигини ишлаб чиқиши, унинг педагогик маҳорат чўққисини эгаллаганлигини кўрсатади.

Педагогик вазифаларни ҳал этиш, педагогик вазиятларни таҳлил қилиш, яъни ўқитувчилардан ақлий фаолият усуллари — танқидий-таҳлилий, мантиқий фикр юритишни талаб этади.

Мазкур педагогик фаолият таълим-тарбия жараёнини асосий бўғинларга ажратиш ва истиқболдаги вазифаларни лойиҳалаш кўникмаларига асосланади.

Ўқитувчининг педагогик назарияларни яхши ўзлаштирганлиги, ўз касб-дошларининг иш тажрибаларини тинмай ўрганиши, ўз педагогик фаолияти натижасини умумлаштириш ва мунтазам таҳлил ўтказиш, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга, таълим мазмуни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда самарали восита, метод ва шакллари танлашга имкон яратади.

Бўлажак ўқитувчисининг моделининг асосини ўқитувчи шахси ташкил этиб, у баркамол шахс си-

фатида давлат ва жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган, юксак ҳуқуқий ва умумий маданият-ли, ғоявий-сиёсий жиҳатдан етук, маънавий-ахлоқий етукликка эга, миллий ва умуминсоний қадриятлар таркиб топган, хорижий тилларни пухта ўзлаштириш орқали хориждаги ҳамкасблари билан ижтимоий ҳамкорликка кириша оладиган бўлиши назарда тутилмоқда.

Юқори малакали рақобатбардош педагогик кадр сифатида касбий- педагогик тайёргарлик, илмий-ижодий салоҳиятли, ижодий ва ижтимоий фаол, ҳуқуқий-меъёрий ва компьютер саводхонлигига эга кадр назарда тутилган.

Юқори малакали рақобатбардош педагогик кадр сифатида касбий- педагогик тайёргарлик даражаси педагогнинг илмий-назарий, илмий- методик, педаго-

гик-психологик тайёргарлиги даражасига бевосита ва билвосита боғлиқ.

Таълим муассасаси бўлажак ўқитувчиларининг илмий-ижодий салоҳиятли бўлиши натижасида илмий-педагогик ижод методологиясини чуқур ўзлаштирган, фундаментал ва ўқитиш методикаси фанларининг долзарб муаммолари юзасидан тадқиқот ўтказиш тажрибасига эга бўлиши, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш, инновацион лойиҳаларда фаол қатнашиши эътиборга олинган.

Шуни қайд этиш лозимки, тадқиқот давомида шакллантирилган мазкур профессиограмма олий ўқув юртида педагог кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда, педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги ва лаёқатини назорат қилиш ва баҳолашда муҳим аҳамият касб этади.

REFERENCES

1. Федюкин, В. К. Квалитология : Учебное пособие. Часть 1. – СПб. : Изд-во СПбГИЭУ, 2016. – 211 с.
2. Федюкин, В. К. Основы квалиметрии. – М. : Изд-во “ФИЛИНЪ”, 2017. – 316 с.
3. Фомин, В. Н. Квалиметрия. Управление качеством. Сертификация. М. : Ассоциация авторов и издателей “ТАНДЕМ”. Изд-во “ЭКМОС”, 2017. – 196 с.
4. Пивень, Г. Г., Падиарова, И. П. Обеспечение конкурентоспособности продукции на основе внедрения систем менеджмента качества по МС ИСО 9001:2000 // Наука и техника Казахстана. – 2001. – № 2. – С. 66–72.
5. Юраков, Н. С., Левицкая, К. М., Юракова, Т. Г. Квалиметрическая оценка как основа показателя качества продукции // В сборнике : Фундаментальные и прикладные научные исследования : инноватика в современном мире Сборник статей по материалам международной научно-практической конференции. 2019. – С. 161–166.
6. Аскарров, Е. С. Новая версия стандарта СТ РК ISO/IEC 17025:2018 — проблемы перехода // Наука и техника Казахстана. 2019. – № 2. – С. 28–35.
7. Толипова Ж.О. Биология ўқитувчисининг илмий-методик тайёргарлиги даражасини орттиришнинг назарияси ва амалиёти. Монография. –Т.: Фан. 2005. -114 б



MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNI TARBIYALASHDA MILLIY QADRIYATLAR VA O‘YINCHOQLARNING PEDAGOGIK AHAMIYATI.

Jur’at Saidov,

Jizzax davlat pedagogika universiteti,
“Maktabgacha ta’lim metodikasi” kafedrası o‘qituvchisi.

Annotatsiya

Ushbu maqolada muallif milliy va umuminsoniy qadriyatlar va o‘yinchoqlarning bola tarbiyasidagi ro‘li va ahamiyati haqida fikr yuritadi. Har bir xalqning o‘ziga xos qadriyatlari bo‘lgani kabi umuminsoniy qadriyatlar ham borki ularni bola tarbiyasida uyg‘unlikda, chambarchas bog‘liqligida bola ongiga singdirib borilishi maqsadga loyiqligi hamda milliy qadriyatlar vositasida bolalarda xulq atvorini tarbiyalash, yaxlit tizimi va shart-sharoitlarini aniqlash hamda xulq atvorini shakllantirish samaradorligini oshirishga yo‘naltirilgan ilmiy-metodik tavsiyalar aytib o‘tilgan.

Kalit so‘zlar: tarbiya, jamiyat, davr talabi, shaxs, umuminsoniy qadriyatlar, milliy qadriyatlar, ta’lim-tarbiya, mentalitet, oila, maktab, bog‘cha, mahalla xamkorligi.

Аннотация

В этой статье автор размышляет о национальных и общечеловеческих ценностях, а также о роли и значении игрушек в воспитании детей. Подобно тому, как каждая нация имеет свои ценности, существуют и общечеловеческие ценности, которые следует прививать в сознании ребенка гармоничным и тесно связанным